

## Ислом - далил ва ҳужжат дини

Image not found or type unknown



12:00 / 10.10.2018 4338

Илм бирор нарсани ҳужжат ва аниқ далил билан боғламагунча, уни ҳақиқат деб тан омайди. Қуръон ҳам мусулмонларга далилсиз нарсани қабул қилмасликни буюради:

﴿صَدَقْتُمْ كُنْتُمْ إِنْ بُرْهَنْكُمْ هَاثُوا قُلْ أَمَانِيهِمْ تِلْكَ نَصْرِي أَوْ هُودًا كَانَ مِنْ إِلَّا الْجَنَّةَ يَدْخُلَ لَنْ وَقَالُوا

**«Ва улар: «Жаннатга яҳудий ва насоро бўлганлардан бошқа ҳеч ким зинҳор кирмас», дедилар. Бу уларнинг хомхаёлларидир. Сен: «Агар ростгўй бўлсангиз, далилингизни келтиринг», деб айт»** (Бақара сураси, 111-оят).

Далил ва ҳужжати йўқ нарсага ишониб бўлмайди. Бошқаларга тақлид қилиб, ширк эътиқодида бўлганларни Аллоҳ таоло сўроқ қилади:

﴿الْكَافِرُونَ يُفْلِحُ لَأِنَّهُ رَبِّيَ عِنْدَ حِسَابِهِ فَاَتِمَّابِهِ لَهُ بُرْهَانٌ لَّا آخِرَ لَهَا اللَّهُ مَعَ بَدْعٍ وَمَنْ

**«Ким Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳга илтижо қилса, бу хусусда ҳеч бир далили йўқдир. Бас, унинг ҳисоби фақат Роббининг ҳузуридадир. Албатта, кофирлар зафар топмаслар»** (Мўминун сураси, 117-оят).

Бошқа бир оятда Аллоҳ мушриклардан бут ва санамларга ибодат қилмасликлари учун далил ва ҳужжат талаб қилади.

﴿صَدَقْتُمْ كُنْتُمْ إِنْ بُرْهَنْكُمْ هَكَذَا أَقْبَلَهُ اللَّهُ مَعَ آيَاتِهِ وَالْأَرْضِ السَّمَاءِ مِنْ بَرَزِكُمْ وَمَنْ يُعِدُّهُ ثُمَّ الْخَالِقَ بِيَدِ أَمَنْ

**«Ёки махлуқотни аввал бошдан яратадиган, сўнгра уни яна қайта яратадиган ва сизларни осмонлару ердан ризқлантирадиган Зот(яхши)ми? Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?! «Агар ростгўй бўлсангиз, далилингизни келтиринг», дегин»** (Намл сураси, 64-оят).

Мана шу оятлардан равшан кўриниб турибдики, ҳар бир киши ўзи айтган гапга далил келтирсин. Кимки унинг гапини эшитса, далил сўрасин. Далил бўлмаса, қабул қилмасин.

***Ислом аниқлик дини, гумон дини эмас.***

Илм доимо мавҳум нарсани аниқ деб айтишдан қайтаради. Гумонни рост дейиш тўғри эмас. Бир масала тўғри ёки нотўғри эканлигини билиш учун унинг ҳужжатининг кучига қаралади, агар ҳужжати кучли бўлса, масала ҳақиқат, ҳужжат кучли бўлмаса, масала гумон. Мана шу илмий фарқлаш Қуръон таълимотларига ҳам тўғри келади. Қуръон гумон ва хаёлий нарсалардан эҳтиёт бўлишга чақиради. Чунки улар одамларни адаштириб, эътиқодини бузади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

﴿يَحْرُصُونَ إِلَّا هُمْ وَإِنْ ظَنَنْتُمْ أَنَّا يَنْبَغُونَ إِنَّ اللَّهَ سَبِيلٌ عَنِ يُضِلُّوكَ الْأَرْضِ فِي مَنْ أَكْثَرَ تَطَعٍ وَإِنْ

**«Ва агар ер юзидагиларнинг кўпларига итоат қилсанг, сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирурлар. Гумонга эргашурлар ва улар алжирайдилар, холос»** (Анъом сураси, 116-оят).

Шу маънода бошқа бир оятда шундай дейилган:

وَمَا يَنْبَغُ أَكْثَرُهُمْ إِلَّا ظَنًّا إِنَّ الظَّنَّ لَا يُغْنِي مِنَ الْحَقِّ ۝

**«Уларнинг кўплари гумонга эргашадилар, холос. Албатта, гумон ҳақ ўрнида ҳеч нарса бўла олмас»** (Юнус сураси, 36-оят).

Қуръон ҳақиқий илмий нарсаларга суянишга, гумон ва хаёллардан узоқда бўлишга буюради ва гумонга эргашганларнинг ҳоли ёмон бўлишини айтиб ўтади:

بَلِ اتَّبَعَ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَهْوَاءَهُمْ بِغَيْرِ عِلْمٍ

**«Йўқ!!! Зулм қилганлар илмсиз равишда ҳавойи нафсларига эргашдилар, холос»** (Рум сураси, 29-оят).

Қуръон даҳрийларни ҳам «гумонга суяниб иш тутадилар» деб танқид қилади:

يُظُنُّونَ الْآلِهَةَ إِنَّمَا هُمْ رِجَالٌ مِّمَّنْ بَدَّلْنَا دِينَهُمْ وَمَا أَدَّبْتُمُوهُمْ إِلَّا هَلِكًا وَمَا وَجَّعْنَا مَوْتَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِلَّا آيَةً لِّلَّذِينَ آمَنُوا ۝

**«Улар: «Дунёдаги ҳаётимиздан бошқа ҳаёт йўқ. Ўламиз, тириламиз, бизни фақат замон ҳалок қилади», дерлар. Уларнинг бу ҳақда илмлари йўқ. Улар фақат гумон қиладилар, холос»** (Жосия сураси, 24-оят).

Аллоҳ мусулмонларга илмий асосда иш олиб боришни кўрсатиб, шундай марҳамат қилади:

مَسْئُولًا عَنْهُ كَانَ أُولَئِكَ كُلُّهُمْ يَلْمِزُكَ وَالْبَصْرَ السَّمْعَ إِنَّ عِلْمَهُ بِهِ لَيْسَ مَا نَقَفُ وَلَا

**«Ўзинг билмаган нарсага эргашма! Албатта, қулоқ, кўз ва дил - ана ўшаларнинг барчаси сўралажак нарсалардир»** (Исро сураси, 36-оят).

Оятнинг маъноси шуки, ўзинг аниқ билмасанг, сенга айтиладиган турли-туман нарсаларга эргашма. Чунки инсон қиёмат кунда қулоғи эшитган, кўзи кўрган, қалби жо қилган барча нарсалар ҳақидаги сўроқларга жавоб бериши керак.

Биз эслаб ўтган оятларнинг барчаси ишнинг асоси аниқ, собит, илмий равишда бўлиши зарурлигини, гумон ва турли асоссиз фикрлардан узоқ бўлиш лозимлигини таъкидлайди.

## **Ислом тақлид душманидир.**

Илм бир нарсага ишонч ҳосил қилмай туриб, далилини билмай туриб тақлид қилишдан қайтаради. Қадимда, хусусан ўрта асрларда, европаликлар бирор нарсанинг тўғри ёки нотўғрилигига машхур кишилардан баъзиларининг фикрига қараб баҳо берар эдилар. Мисол учун, Арастудан чиққан ҳар бир фикр тўғри бўлади, ундан хато фикр чиқиши мумкин эмас, деган фикрга ўхшаш.

Илм кўр-кўрона тақлиддан қайтаришда Қуръон билан мувофиқдир. Қуръони каримда «Бу ишни ота-бобомиз қилган», деб бир фикрга ёпишиб оладиган, ўзлари ақл ишлатмайдиганлар танқид қилинган:

﴿يَهْتَدُونَ وَلَا شَيْئًا يَعْلَمُونَ لَا آبَاءَ لَهُمْ كَانُوا أَبَاءَنَا عَلَيْهِمْ وَعَدْنَا مَا حَسْبُنَا قَالُوا الرَّسُولُ وَإِلَى اللَّهِ أَنزَلَ مَا إِنَّا لَنَعْلَمُ قِيلَ وَإِذَا

**«Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага, Расулга келинлар», дейилса, «Бизга ота-боболаримизни ниманинг устида топган бўлсак, ўша етарли», дерлар. Ота-боболари ҳеч нарсани билмаган ва ҳидоятга юрмаган бўлсалар ҳам-а?!»** (Моида сураси, 104-оят).

Бошқа бир оятда шундай дейилган:

﴿كَمَثَلِ كَفَرُوا الَّذِينَ وَمَثَلُ ﴿١٧٠﴾ يَهْتَدُونَ وَلَا شَيْئًا يَعْقِلُونَ لَا آبَاءَ لَهُمْ كَانُوا أَبَاءَنَا عَلَيْهِمْ مَا نَتَّبِعُ بَلْ قَالُوا اللَّهُ أَنزَلَ مَا إِنَّا لَنَعْلَمُ قِيلَ وَإِذَا ﴿١٧١﴾ يَعْقِلُونَ لَا فَهُمْ عُمَىٰ بِكُمْ صُمْ وَنِدَاءَ دُعَاءَ إِلَّا يَسْمَعُ لَا بِمَا يَنْعُونَ الَّذِينَ

**«Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашинлар», дейилса, «Йўқ! Балки биз ота-боболаримизни нимада топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», дерлар. Ота-боболари ҳеч нарсага ақли етмаган ва ҳидоятга юрмаган бўлсалар ҳам-а?! Куфр келтирганлар(ни даъват қилаётган киши) худди қичқириқ ва сасдан бошқа нарсани эшитмайдиганларга бақираётган кишига ўх-шайди. Кар, соқов ва кўрдирлар. Улар ақл юритмаслар»** (Бақара сураси, 170-171-оятлар).

Қуръони каримнинг мазкур оятларидан кўриниб турибдики, ақл ишлатмай, ўзи ишонч ҳосил қилмай, кўр-кўрона тақлид қилиш кофирларнинг иши экан. Ҳар бир инсон Исломни билиб, унга ишонч ҳосил қилмагунча, кўр-кўрона тақлид қилгани билан, мўмин бўла олмайди. Аллоҳ таоло халқларни бошлиқларга, йўлбошчиларга кўр-кўрона тақлид қилишдан эҳтиёт бўлишга чақиради. У Зот таъкидламоқдаки, йўлбошчилар ҳам ва унга эргашганлар ҳам нотўғри йўлда бўлсалар, қиёмат куни тенг азоб

чекадилар. Бунинг маъноси шуки, бу дунёда йўлбошчилик қилганлар, қиёмат кунида ўзига эргашганлардан қочар экан. Икки гуруҳ ҳам азобга дучор бўлиб, ораларидаги алоқа узилар экан.

**“Иймон” китобидан**